

ЭКОЛОГИЯ СОҶАСИДА

умуммиллий лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари

Президент Шавкат Мирзиёев экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида 2026-2030-йилларга мўлжалланган устувор умуммиллий лойиҳалар юзасидан тақдимот билан танишди.

Атмосфера ҳавосининг сифатини яхшилаш, шаҳар ва ҳудудларда яшил

майдонларни кенгайтириш, экологик таълим ва маданиятни юксалтириш, шунингдек, чўлланишга қарши курашишнинг илмий ва амалий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган ташаббуслар кўриб чиқилди.

Аввало, “Тоza ҳаво” умуммиллий лойиҳаси доирасида режалаштирилган ишлар ҳақида ахборот берилди.



ЖАММИЯТ

Ижтимоий-сиёсий, экологик газета

2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган

№ 10 (980)
2026 йил
4 апрель,
Шанба

АДАШАЁТГАН АВЛОД

Бугун дунё осойишта эмас. Геосиёсий таранглик, ахборот урушлари, ҳарбий тўқнашувлар – буларнинг барчаси янгиликлар тасмасида кундалик воқеликка айланди. Уруш энди фақат фронт чизиғида эмас, балки экранларда, ижтимоий тармоқларда, виртуал майдонларда ҳам кечмоқда. Шунинг учун бир муҳим саволни ўзимизга бериш вақти келди: бундай муҳитда ўсиб келаётган ёшлар онги қандай шаклланмоқда?

Ҳозир интернет деярли ҳар бир хонадонга кириб келди. Виртуал ўйинлар, айниқса ҳарбий ва зўравонликка асосланган жанрдаги ўйинлар миллионлаб ўсмирларнинг кундалик машғулотига айланди. Бунинг инкор этиш мумкин эмас. Аммо яна бир ҳақиқат борки, назоратсиз виртуал муҳит аста-секин ёшларимизнинг “яширин тарбиячиси”га айланиб қолмоқда.

Агар тарбия, назорат ва маънавий филтрлар етарли бўлмаса, айрим ёшлар реал ҳаётда ҳам хавфни енгил қабул қила бошлаши мумкин. Натижада автомобилни рухсатсиз олиб чиқиш, белгиланган тезликдан ошириб ҳайдаш, агрессив харакатларни “қўрқмаслик” белгиси сифатида қабул қилиш каби ҳолатлар кузатилмоқда. Бу ерда гап ўйиннинг ўзида эмас. Гап зўравонлик образларининг назоратсиз ва мунтазам таъсирида. Навнихол онг учун виртуал ва реал олам ўртасидаги чегара мустаҳкам эмас. Агар атроф муҳит ҳам, виртуал муҳит ҳам доимий равишда зўравонлик образларини такрорлайверса, хавф-хатарга нисбатан табиий эҳтиёткорлик туйғуси пасайиб кетиши мумкин. Реал дунёда эса қонун бор, жавобгарлик бор, инсон тақдири бор.



«НЕГА БОЛАМНИ СОТМОҚЧИ БЎЛДИМ?..»



ЭКОЛОГИЯ СОҶАСИДА

умуммиллий лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари

Қайд этилганидек, бугунги кунда Тошкент шаҳрида ҳавонинг ифлосланиш даражаси белгиланган меъёрдан юқори бўлиши ҳолатлари кузатилмоқда. Бу Навоий, Фарғона, Чирчиқ ва Термиз шаҳарларида ҳам қайд этилмоқда. Ҳаво ифлосланишининг асосий омиллари сифатида саноатнинг ўсиши, углерод ёқилгиларидан кенг фойдаланиш, транспорт воситалари сонининг кўпайиши, табиий омиллар ва назоратнинг етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Шу муносабат билан 2030 йилга қадар атмосферага чиқарилаётган ифлослантирувчи моддалар ҳажмини қисқартириш, саноат объектларида ташламаларни ушлаб қолиш улушини ошириш, транспортдан чиқадиغان зарарли моддаларни камайтириш ҳамда PM_{2,5} бўйича меъёрдан ошиш кузатиладиган кунлар сонини пасайтириш асосий мақсадлар этиб белгиланган.

Амалга оширилган тезкор чоралар натижасида Тошкент шаҳрида ҳаво сифати муайян даражада яхшиланган. Жумладан, 2026 йил январ-феврал ойларида PM_{2,5} консентрацияси ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли пасайган. Энди бу йўналишда ҳудудий дастурлар босқичма-босқич қабул қилиниб, ҳар бир вилоятда таҳлил ва диагностика, ягона ҳаво мониторинги ҳамда ифлосланиш манбаларини инвентаризация қилиш ишлари ташкил этилади.

“Тоза ҳаво” лойиҳасида энергетика ва саноат тармоқларига алоҳида эътибор қаратилган. Маҳсулотининг маълум қисмини муқобил энергия ҳисобига ишлаб чиқарадиган корхоналарга солиқ имтиёзлари ва молиявий рағбатлар бериш, автоматик мониторинг станциялари, филтёрлар, чанг-газ тозалаш ҳамда энергия самарадор ускуналарни кенг жорий этиш кўзда тутилган. Тошкент шаҳри ва унга туташ ҳудудлардаги саноат корхоналарида мажбурий автоматик мониторинг постлари ўрнатилиб, уларнинг маълумотлари ягона геоахборот тизимига интеграция қилинади. Бундай талабларга амал қилмаган субъектлар учун компенсация тўловлари кескин оширилади.

Табиий чанг омилларини ка-

майтириш бўйича ҳам аниқ чоралар белгиланган. Тошкент шаҳри атрофида “яшил белбоғ” барпо этиш, Сурхондарё ва Сирдарёда чанг бўронларининг олдини олиш учун “яшил девор”лар ташкил қилиш, сунъий кўллар ва сув ҳавзаларини барпо этиш, пойтахт туманларида фаввораларнинг сонини кўпайтириш, барглари компост ва мулча сифатида қайта ишлаш амалиётини йўлга қўйиш шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси ҳаво таркибидаги чанг зарраларини камайтириш ва шаҳар муҳитини соғломлаштиришга хизмат қилади.

Транспорт соҳасида ҳавони муҳофаза қилиш бўйича алоҳида йўналишлар ҳам белгиланган. Мотор ёқилгиси стандартларини босқичма-босқич кучайтириш, автотранспорт воситаларини “қизил”, “сарик” ва “яшил” стикерларни берган ҳолда экологик тоифаларга ажратиш, техник кўрикни экологик талаблар билан боғлаш, эски автотранспортни янгилаш дастурларини амалга ошириш, жамоат транспорти улушини ошириш назарда тутилмоқда. Бу орқали йўл ҳаракати билан боғлиқ ифлосланиш ҳажмини қисқартириш, айниқса, йирик шаҳарлар марказида ҳаво сифатини яхшилаш мақсад қилинган.

“Тоза ҳаво” лойиҳасининг муҳим таркибий қисми сифатида иссиқхоналар масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида иссиқхона хўжаликлари жуда кўп, улар орасида иситиш манбалари сифатида кўмир, мазут ва ностандарт ёқилгидан фойдаланувчи иссиқхоналар улуши ҳам юқори, улар чиқараётган NO₂, SO₂ ва PM_{2,5} каби хавфли моддалар ҳаво сифатига жиддий таъсир кўрсатаётгани қайд этилди. Қолаверса, Тошкент ҳудудида йиллик куёш нурланиши қолган ҳудудларга қараганда нисбатан паст бўлгани сабабли бу ерда иссиқхонада маҳсулот етиштириш харажати анча баланд. Масалан, январ ойида Тошкентда ўртача ҳарорат Целсий бўйича 6 даража иссиқ бўлса, Термизда – 10,8 даража иссиқ. 1 тонна иссиқхона маҳсулотини етиштириш харажати Тошкент вилоятида 11,9 миллион

сўми, Сурхондарёда эса 4,9 миллион сўми ташкил этади.

2026 йил 1 октябрдан бошлаб Тошкент шаҳри ва унга туташ ҳудудларда янги иссиқхона ташкил этишни чеклаш, шу билан бирга, кўчирилаётган хўжаликларга инфратузилма, кредит ва логистика бўйича имтиёзлар бериш назарда тутилмоқда.

Тақдиротда “Яшил макон” доирасида ботаника ва дендрология боғлари концепсияси юзасидан ахборот берилди. Қайд этилганидек, ботаника боғлари маҳаллий ва хорижий ўсимликларни ўрганиш, сақлаш, кўпайтириш ва намойиш этишга хизмат қилса, дендрология боғлари дарахт ва бута турларини интродукция қилиш, акклиматизация қилиш ва илмий асосда парваришлагга ихтисослашган ҳудудлар ҳисобланади. Концепсияга кўра, ботаника боғларида турли флористик экспозициялар, оранжерея, кўчатхона, кўл, ички йўлаклар, беседка ва гулхона каби объектлар жойлаштирилади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 3 та ботаника боғи мавжуд бўлса, лойиҳа доирасида яна 12 та ботаника ва 16 та дендрология боғини ташкил этиш режалаштирилган. Бу жараёнда ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароити ҳисобга олиниб, мос дарахт ва буталар танланади.

2028 йилга қадар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрида майдони 100 гектардан кам бўлмаган ботаника ва дендрология боғларини ташкил этиш режа қилинган. Натижада 2030-йилгача мамлакатда умумий яшиллик даражасини 14,2 фоиздан 30 фоизгача ошириш, PM_{2,5} ва PM₁₀ консентрациясини 20-25 фоизга камайтириш, иқлими оғир ҳудудларда ҳаво ҳароратини ўртача 1,5-2 даражага пасайтириш мақсад қилинган.

Шу билан бирга, пойтахтда Миллий дендрология боғини барпо этиш концепсияси ҳам тақдирот қилинди. Ушбу йирик яшил ҳудуднинг умумий майдони 108 гектарни ташкил этиши белгиланган. Лойиҳа доирасида 50 минг туп дарахт кўчати ва 100 минг туп бута ўсимликлари экилиши назарда тутилган.

Парк биологик хилма-хилликни сақлаш, ҳаво сифатини яхшилаш, углерод ютилишини ошириш, илмий тадқиқот ва селекция ишларини йўлга қўйиш, шунингдек, шаҳар микроклимининг соғломлаштиришга хизмат қилади. Боғ ҳаво ҳароратини 2-4 даражага пасайтириб, намликни 10-15 фоизга ошириши мумкин.

Миллий дендрология боғи фақат кўкаламзор ҳудуд эмас, балки илмий, маърифий ва жамоат макони сифатида ҳам шакллантирилади. Унда “Дунё дарахтлари” ҳудуди, 6 та иқлим минтақасига хос ўсимликлар коллекцияси, мевали ва маҳаллий дарахтзорлар, доривор ўсимликлар боғи, оранжерея, гулзорлар, дам олиш майдонлари, пиёдалар ва велосипед йўлаклари, автотураргоҳ, ташриф буюрувчиларни кутиб олиш майдони барпо этилади.

Боғнинг марказий қисмида 1 гектарлик сунъий кўл ва унинг атрофида сакура боғи ташкил қилиш режалаштирилган. Парк инфратузилмасида куёш панеллари, қайта ишланган материаллардан тайёрланган скамейка ва беседкалар, автоматлаштирилган томчилатиб суғориш тизими каби замонавий экологик технологиялардан фойдаланиш кўзда тутилган. Бу ер Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши университети (Green University) учун табиий лаборатория, аҳоли учун эса биотуризм ва экотуризм марказига айланади.

“Экомаданият” умуммиллий лойиҳаси доирасида экологик таълим, илм-фан ва тарғиботни бир-бирига боғлаган ҳолда янги тизим яратиш режалаштирилган.

Мазкур соҳада халқаро стандартларга мос мутахассислар етиштириш маътуғани, аҳоли ўртасида экологик онг ва барқарор одатлар ҳали етарли даражада шаклланмагани, инновация ва иқлим технологияларини амалиётга жорий қила оладиган кадрлар тақчиллиги мавжудлиги қайд этилди. Шу муносабат билан 2026/2027-ўқув йилидан бошлаб 14 та ҳудудда “яшил техникумлар” ташкил этилиб, улар “Green University” тизимига академик ҳамкорлик асосида бириктирилади.



Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси, Ўрмон агентлиги ҳамда БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO) томонидан Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетида (Green University) “Халқаро ўрмонлар куни” муносабати билан “Барқарор яшил тараққиёт йўлидаги мулоқот: умумий келажак учун инвестициялар” мавзусида халқаро форум ташкил этилди.



«ЎЗБЕКИСТОН «ЯШИЛ МАРКАЗИЙ ОСИЁ» ЕТАКЧИСИГА АЙЛАНАДИ»

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг экология масалалари бўйича маслаҳатчиси — Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси раиси Азиз Абдуҳакимов, Ўрмон агентлиги директори Эркин Муҳиддинов, БМТнинг ўрмонлар бўйича форуми раиси Исмаил Белен, БМТнинг Ўрмонлар бўйича форуми котибияти директори Жулиетта Биао, FAO вакиллари, халқаро экспертлар, Экология қўмитаси ва Ўрмон агентлиги масъуллари, тизим ташкилотлари ва худудий ўрмон хўжаликлари раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Форумни Азиз Абдуҳакимов кириш сўзи билан очиб, давлат раҳбари ташаббуси билан экологик муаммоларни бартараф этиш, иқлим ўзгаришларининг олдини олиш, чўлланишга қарши тизимли курашиш, янги ўрмонлар барпо этиш ва тиклаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

“Республикада ҳар дақиқада 9 метр квадрат ер майдони деградацияга учрамоқда. Бу каби таҳдидларга қарши курашиш мақсадида мамлакатимизда экологик барқарорликни таъминлаш, ўрмонларни кенгайтириш ва сақлаб қолиш, биохилма-хилликни сақлаш ҳамда ривожланишини таъминлашга қаратилган “Чиқиндидан холи худуд”, “Тоза ҳаво”, “Яшил макон”, “Эко-маданият”, “Био мерос” умуммиллий лойиҳалари амалга оширилмоқда. Ўрмон хўжалиги соҳасини ривожлантиришда эса янги ёндашувларни амалиётга татбиқ этиш лозим. Хусусан, бизнинг минтақамизда Орол денгизининг қуриган туби ва туташ бўлган ху-

дудларда экологик муаммоларнинг олдини олиш ва салбий таъсирини камайтириш борасида давомли тадбирларни олиб бориш талаб этилади”, – деди раис.

Азиз Абдуҳакимов “Green University” ҳамда яқинда очилган Марказий Осиё экология ва атроф-муҳит тадқиқотлари марказига алоҳида тўхталди. Хусусан, марказ чўлланишни бошқариш бўйича Марказий Осиёдаги биринчи илмий ҳабга айланиши, унда қурғоқчил экотизимлар бўйича рақамли маълумотлар базаси яратилиши, чўлланиш ва шўрланиш шароитида атроф-муҳитдаги ўзгаришлар прогноз қилиниши, чўл худудлари иктисодиётини ривожлантириш бўйича инновацион стратегиялар ишлаб чиқилишини қайд этди.

Исмаил Белен Ўзбекистонда яшил худудларни кенгайтириш ва бунинг учун кўпроқ инвестициялар киритиш зарур эканлигига эътибор қаратди.

“Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган “Яшил макон” ташаббуси

ниҳоятда муҳим. Яқин келажакда ўрмонлар майдонини 10 фоиздан 15 фоизга етказиш мақсад қилинган. Ўзбекистон бу ташаббусни амалга ошириш учун катта салоҳиятга эга. Орол денгизи худудида ҳам яшиллик даражасини ошириш борасида кўп ишлар қилинмоқда, — деди у. — Тарихга назар ташласак, мамлакатингиз Марказий Осиёда кўплаб ташаббуслар борасида пешқадам бўлган. Ишончим комилки, агар ушбу дастурлар давом эттирилса, Ўзбекистон “Яшил Марказий Осиё” етакчисига айланади”.

Жулиетта Биао эса Ўзбекистон айнаи дамда яшил иктисодиёт ва экологик барқарорлик борасида анчагина ташаббускор эканлигини таъкидлади.

“Бу, айниқса, яшиллик даражасини ошириш, деградацияга учраган ерларни қайта тиклаш, чўлланишга қарши курашиш борасида яққол кўринмоқда, — деди у. — Ўрмонларни сақлаб қолиш ва кўпайтириш бугунги кунда иқлим ўзгариши, биохилма-хилликнинг камайиши ва экологик барқарорликка путур етиши каби экологик муаммоларни ҳал қилишда муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон бутун дунё эътиборини айнан шу жиҳатга қаратмоқда. Биз бу саъй-ҳаракатларни кадрлаймиз ва мамлакатларни, жумладан, Ўзбекистонни ҳам қўллаб-қувватлашга тайёрмиз”.


Тадбирда сўз олган Ўрмон агентлиги директори Эркин Муҳиддинов форум иштирокчиларини Халқаро ўрмонлар куни билан самимий табриклади.

“Ҳар йили баҳор фаслининг март ойида нишонланадиган ушбу касб байрамимиз бутун дунё аҳ-

лини табиатни химоя қилиш, ўрмонлар худудини кенгайтиришга даъват этади. Ҳақиқатан ҳам бугун дунёда чўлланиш даражаси ортиб, сув танқислиги, ерларнинг деградацияга учраши кўпайиб бораётган бир пайтда ушбу сананинг аҳамияти нечоғлик юқори эканлиги янада ойдинлашади, – деди у. – Кейинги йилларда бу каби глобал муаммоларни тизимли ҳал этиш мақсадида давлат раҳбарининг бевосита ташаббуси билан “илм-лойиҳа-амалиёт” занжири асосида уруғчилик ва кўчатчиликни ривожлантириш, ўрмонлар барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 18 та ўрмон хўжалиги замонавий ечимлар асосида кўчатчиликка ихтисослаштирилди. 4 та янги ўрмон хўжалиги ташкил этилди. Ўрмон хўжаликларига 300 дан ортиқ янги махсус техникалар олиб келинди. Хитойлик ҳамкорлар билан шўрга чидамли галофит ўсимликлари боғлари ташкил этилди.”

Тадбир давомида “Яшил инвестициялар: Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорлик”, “Ўрмон соҳасини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари”, “Марказий Осиёда трансчегаравий ҳамкорлик ва барқарор ўрмонлардан фойдаланиш” ҳамда бошқа мавзуларга эътибор қаратилди. Шунингдек, самарали меҳнат қилиб келаётган бир гуруҳ соҳа вакиллари “Ўзбекистон Республикаси ўрмон хўжалиги фидойиси” ва “Россия ўрмонларни муҳофаза қилиш марказининг 85 йиллиги” юбилей медаллари билан тақдирланди.

Яқинда Тошкент вилоятида барпо этилаётган “Дендрология боғи”да дарахт кўчатлари ўтқазилди.



ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИ

Йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Бошқарув самарадорлиги агентлиги раҳбарияти Финляндия Республикаси Фахрий Консули А. Жураев ва Халқаро Нордик университети ректори Ш.Мустафакулов ҳамда Венгриянинг Лудовика давлат хизмати университети ректори Гергелй Дели билан учрашди. Учрашувда сўнгги йилларда ушбу мамлакатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик янги босқичга кўтарилаётгани, икки ва кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш борасида аниқ қадамлар қўйилаётганлиги алоҳида қайд этилди.

Зеро, Бошқарув самарадорлиги

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат фуқаролик хизмати тизимининг ҳуқуқий, ташкилий ва услубий асосларини белгилаш, соҳага доир қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

АСОСИЙ МАҚСАД — ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ

лик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди ва самарали фаолият кўрсатди.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 14 июлдаги “Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони асосан Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги негизида Бошқарув самарадорлиги агентлиги ташкил этилганлигини таъкидлаш лозим.

Ушбу агентлик давлат фуқаролик хизмати соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Ўз навбатида, ҳуқуқий демократик давлатда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши, қонун устуворлиги таъминланишини инobatта олган ҳолда 2022 йил 8 августда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши давлат фуқаролик хизмати соҳасидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Энг асосийси, давлат органлари ва ташкилотларининг малакали мутахассислар билан етарли даражада таъминланмаётганлигига, кадрлар малакасининг юклатилган вазифалар ва замонавий эҳтиёжларга номувофиқлигига, қабул қилинаётган қарорлар сифатининг пастлигига олиб келаётган бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликларни бартараф қилишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 июндаги “Давлат фуқаролик хизматини янги ёндашувлар асосида

ташкил этиш ҳамда профессионал ва натижадорликка йўналтирилган давлат хизматчилари корпусини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2025 йил 6 декабрдаги “Давлат хизматида бошқарув самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонларининг қабул қилиниши айна муддао бўлди.

Мазкур Фармонлар билан Бошқарув самарадорлиги агентлиги фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Жумладан, давлат органларида натижага асосланган бошқарув тизимини жорий этиш; ҳудудларда янги имкониятларни аниқлаш ва бошқарув самарадорлигини ошириш; давлат органларида инсон ресурсларини бошқариш ва уларнинг салоҳиятини ривожлантириш каби йўналишлар белгилаб берилди.

Бундан ташқари, Бошқарув самарадорлиги агентлигининг асосий вазифаларидан яна бири бу давлат фуқаролик хизмати соҳасида чет давлатларнинг давлат органлари ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш ҳисобланади.

Ҳақиқатдан ҳам, Бошқарув самарадорлиги агентлиги томонидан хорижий мамлакатлардаги давлат органлари ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда уни ривожлантириш борасида қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий



агентлиги давлат органлари ва ташкилотларида бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича халқаро молия ва грант ташкилотлари кўмагида мақсадли хорижий стажировкаларни ташкил этиш ҳамда давлат хизматини ривожлантириш ва бошқарув самарадорлигини ошириш бўйича халқаро ташкилотлар маблағларини жалб қилган ҳолда грант лойиҳаларни амалга оширишдан манфаатдордир.


Хулоса қилиб айтганда, бундан кейин ҳам мамлакатимизда давлат хизматчиларини тайёрлаш, давлат бошқарув сифатини янада ошириш мақсадида хорижий мамлакатлардаги давлат органлари ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик муносабатларини йўлга қўйиб ҳамда янада мустаҳкамлаш Бошқарув самарадорлиги агентлигининг доимий устувор вазифаларидан бири бўлиб қолади.

Р. КЕНЖАЕВ,
Бошқарув самарадорлиги агентлиги Навоий вилояти филиали бошлиғи ўринбосари



АДАШАЁТГАН

АВЛОД



Муаммо айнан шу икки дунё ўртасидаги психологик яқинлашувдир. Янгиликларда кўрилган манзаралар, ўйинлардаги сюжетлар, ижтимоий тармоқларда тарқалаётган зўравонлик тасвирлари бир-бирига қўшилиб кетмоқда. Бундай муҳитда ўсмир ўзини қахрамон сифатида тасаввур қилади, лекин ҳаёт сахнаси ўйин эмаслигини кечанглаши мумкин.

Бугун бир нечта минтақада ҳарбий эскалация давом этмоқда. Бундай шароитда ҳар бир давлат ўз ички барқарорлигини мустаҳкамлаши шарт. Айниқса, аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этадиган бизнинг давлатимизда бу масалага бефарқ қараб бўлмайди. Барқарорлик фақат кучли армия билан таъминланмайди. У тарбия билан, ҳуқуқий маданият билан, ёшларда ватанпарварлик, масъулият ҳиссини шакллантириш билан таъминланади. Агар жамият ичида назоратсиз рақамли муҳит, агрессив контент ва маънавий бўшлиқ устун бўлса, ташқи хавфлар ички муаммоларга айланиши осонлашади. Геосиёсий хавфлар аввало онгга таъсир қилади. Шунинг учун миллий хавфсизлик масаласи фақат сиёсий ёки ҳарбий эмас, балки маънавий ва маърифий тарбия-масаласидир.

Муаммо қаерда? Муаммо – назоратсизликда, эътиборсизликда, технологиялардан эмин-эркин фойдаланиб, тарбия борасида секин ҳаракат қилишда. Тўғри, виртуал ўйин ўйнайдиган ҳар бир ўсмир жиноятчи бўлиб қолмайди, барча ўйинлар ҳам зўравонликка олиб келмайди. Лекин назоратсиз муҳит, безътибор оила, хавфли имконият фожиага олиб келаётгани рост.

Планшет экранни ёки автомобиль ўз-ўзидан хавф эмас. Назоратсиз экран, автомобиль – хавф. Хўш, ечим нимада? Ушбу масалага комплекс ёндашув зарур:

Биринчидан, тарбияни оиладан бошлаш зарур. Тақиқлаш эмас,

тушунтириш, уйда экран вақти қоидалари бўлиши керак. Кечаси телефон ётоқхонада эмас, умумий жойда туриши шарт. Контентни биргаликда муҳокама қилиш одагга айланиши керак. Гаджет – совға эмас, босқичма-босқич берилган ишонч. Ҳолбуки, ота-она фарзандининг виртуал ҳаёти билан қизиқмаса, виртуал муҳит унинг тарбиячисига айланади. Иккинчидан, мактабларда рақамли иммунитет шакллантирилиши зарур. Фақат информатика фани етарли эмас. Ёшларга зўравонлик контентининг зарарли оқибатларини таҳлил қилиш, алгоритмлар қандай ишлашини тушунтириш, ахборот хавфсизлиги, ҳуқуқий жавобгарлик каби билимлар керак. Интернетдан фойдаланишни эмас, интернетни бошқаришни ўргатиш вақти келди. Учунчидан, бу борада қонун ва назоратни кучайтириш керак. Жамиятда гувоҳномасиз ҳайдовчиликка мутлақ тоқатсизлик муҳитини яратиш вақти келди. Кўча пойгаларига қатъий жавобгарлик белгиланиши, автомобиль эгаларининг масъулиятини ошириш шарт. Ота-оналар шуни тушуниб етишлари керакки, мактанчоқлик, асъасю-дабдабага ўчлик каби иллатлар гулдек фарзандингиз ҳаётини издан чиқариб юбориши мумкин. Тўртинчидан, ёшларда муқобил кўникмаларни шакллантириш зарур. Ёшлик – бу қизиққонлик, янги нарсаларга ўчлик даври. Ўсмир ёшдаги болаларга адреналин ҳаммаша керак. Буни улар хавфсиз тарзда спортда, робототехникада, стартап лойиҳаларида, кўнгилли фаолиятда (волонтерликда) топишлари мумкин. Энг асосийси, ёшларимиз қонунни бузиш эмас, балки жамиятга фойда келтириш ҳақиқий қахрамонлик эканлигини тушуниб етишлари керак.

Виртуал ва реал олам ўртасидаги чегара қаерда мустаҳкамлана-

ди? Бунинг жавоби оддий: онгда. Шунинг учун бугунги кунда медиа саводхонлик масаласи тарбиявий эмас, стратегик масалага айланиб бормоқда. Ахборотни танқидий қабул қила олмаган авлод унинг таъсирига тез бериладиган авлоддир. Таъсирга беримайдиган авлодгина хавфсиз жамият кура олади.

Ҳозирги кунда олий таълим муассасаларида “Медиясаводхонлик ва ахборот маданияти” фани ўқитилмоқда. Бу албатта қувонарли ҳол. Аммо нега биз ёшлар онгини ҳимоялашни 18-19 ёшдан бошлаяпмиз? Бола 4-5 ёшдан (баъзан бундан ҳам эртароқ) экран билан танишади. 8-9 ёшдан ижтимоий тармоққа қизиқади. 12-13 ёшда виртуал ўйинлар унинг кундалик ҳаётига айланади. 18 ёшга келганда эса унинг ахборот қабул қилиш механизми аллақачон шаклланиб бўлади. Демак, биз курашни жуда кеч бошлаяпмиз.

Нима учун медиа саводхонлик марказий масала сифатида кун тартибидан ўрин олмақда? Чунки медиа саводхонлик – бу ахборот манбасини текшириш, манипуляцияни англаш, зўравонлик тараннум этилаётганини фош этиш, виртуал ва реал оқибатни фарқлаш, эмоционал таъсирга тушиб қолмаслик, алгоритмлар инсон психологиясига қандай таъсир қилишини тушуниш. Бошқача айтганда, медиа саводхонлик – онгини ҳимоя қилиш

тизимидир.

Агар бола зўравонлик сахнасини кўрганда “бу ўйин” деб эмас, “бунинг реал ҳаётда оқибати қандай?” деб ўйлай олса, демак, у медиасаводхон. Агар ўсмир тезликни “қўркмаслик белгиси” деб эмас, “ҳаёт учун хавф” деб қабул қилса, демак, у медиасаводхон. Медия саводхонлик – бу ички тормоз тизимидир.

Шундай экан, аҳолисининг ярмидан кўпи ёшлардан иборат бўлган бизнинг мамлакатимизда медиасаводхонликни кечиктириш мумкин эмас. Агар мактаб ўқувчиси ахборотни таҳлил қила олмаса, виртуал сахналарнинг психологик таъсирини тушунмаса, алгоритм унинг ҳис-туйғусини бошқараётганини англамаса, аслида таъсир остида бўла туриб ўз қарорларини мустақил қабул қиляпман деб ўйлаши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, зўравонликка нисбатан бефарқлик, хавфни енгил қабул қилиш, ижтимоий нормаларни менсимаслик каби ҳолатларга олиб келади.

Шунинг учун “Медиясаводхонлик ва ахборот маданияти” фани мактаб дастурларига босқичма-босқич жорий этиш зарур. Бу фан тарбиявий, ҳуқуқий, психологик, ахборот хавфсизлигига оид унсурларни ўз ичига олиши керак. Бола экрандан қочиб эмас, экранни тушуниб яшашни ўрганиши керак.

Биз фарзандларимизни виртуал муҳитдан тўлиқ ажратиш қўя олмаймиз. Бу на реал ҳаётда амалга оширса бўладиган, ва на самарали ечим. Аммо биз уларга фикрлашни, таҳлил қилишни, савол беришни, манипуляцияни англашни ўргат аоламиз. Зеро, ахборотни тушуна олган авлод ўз келажагини ўзи бошқаради. Шунинг учун бугунги кунда медиасаводхонликка қўшимча фан эмас, маънавий иммунитет деб қаралиши лозим. Ёшларимиз виртуал ва реал олам ўртасида адашмасликлари учун, аввало онгини мустаҳкамлаш керак.

Бугун дунё таранглик босқичида турибди. Бундай даврда ҳар бир миллат ўз ёшларини асраш орқали ўз келажагини асрайди. Энг тўғри йўл – виртуал реалликни тарбия билан мувозанатлаш. Биз болаларимизни технологияга ошно қилдик. Энди уларга масъулиятни ҳам ўргатиш вақти келди.

**Мавлон БОБОХОНОВ,
Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети профессори, Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгаши депутати**




ЗАМИНДЕК КАМТАРИН ТУПРОҚШУНОСЛАР

Замонавий илм-фан тараққиёти инсоният тафаккурининг чуқур қатламларига кириб бораётган бир даврда гендер тенглиги масаласи нафақат ижтимоий-сиёсий, балки илмий аҳамият ҳам касб этади. Сўнги йилларда Президентимиз ғамхўрлиги туфайли олима аёллар фаолиятининг аҳамиятини янада оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Хотин-қизларнинг илмий салоҳиятини қўллаб-қувватлаш, уларнинг раҳбарлик лавозимларида иштирокини ошириш ҳамда, илмий грантларда катта имконият яратиш бўйича тизимли чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Бу борада 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришга оид ПФ-6035 ва ПҚ-4513 қарорлари, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси уларнинг жамиятдаги ролини оширишга қаратилган давлат дастурлари бунинг яққол исботидир.

Олима аёлларнинг қишлоқ хўжалиги ривожигаги ўрни

Тупроқ – инсониятнинг энг қадимий ва муқаддас табиий ресурсларидан бири бўлиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий пойдеворини ташкил этади. Тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, шўрланиш ва деградация жараёнларини назорат қилиш, ўғитлаш тизимини оптималлаштириш каби масалалар илмий тадқиқотлар билан бевосита боғлиқ. Шу жиҳатдан, Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институти – мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ер ресурсларини ўрганиш, тупроқ унумдорлигини ошириш ва агрохимёвий таҳлилларни амалга ошириш бўйича етакчи илмий муассасалардан бири ҳисобланади. Бугунги кунда илм-фан тараққиёти жамият раванга ва қишлоқ хўжалиги барқарорлигининг асосий омилларидан бирига айланди. Айниқса, тупроқшунослик ва агрохимё соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқотлар ер ресурсларидан оқилона фой-



даланиш, ҳосилдорликни ошириш ва экологик мувозанатни сақлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу жараёнда институтимизда фаолият юритаётган олима аёлларнинг ўрни ва ҳиссаси алоҳида эътирофга лойиқдир. Ушбу институт фаолиятида олима аёлларнинг ҳиссаси йил сайин ортиб бормоқда. Хусусан, мустақилликдан сўнг институтда фаолият олиб бораётган хотин-қизларни илмга бўлган интилишлари янада ортди.

Институтда хотин-қизларнинг илмий фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор ташкилий ва амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Замонавий лаборатория жиҳозлари, аналитик асбоб-ускуналар, рақамли маълумотлар базаси ва илмий адабиётларга кенг кириш имконияти яратилган. Айниқса, лаборатория тадқиқотлари ва дала шароитидаги мониторинг ишларини таҳлил қилишда уларнинг ташаббускорлиги, шунингдек тизимли ёндашув самарали натижалар билан таъминламоқда. Илмий лойиҳаларда иштирок этиш, республика ва халқаро грантлар ютиш, нуфузли журналларда мақолалар чоп этиш учун услубий ва амалий ёрдам кўрсатилиши бу олима аёллармиз учун катта имкониятлардан биридир. Институт илмий мактаби нафақат ер ресурсларини баҳолаш, балки агроэкологик барқарорлик-

ни таъминлаш бўйича ҳам муҳим натижаларга эришган. Шунингдек олима аёллар институт тарихида қўллаб самарали фаолият юритган бўлиб, булардан қишлоқ хўжалиги фанлари доктори Х.Турсунова, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди А. Кўзиёева, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, Г. Стрелникова, қишлоқ хўжалиги номзоди З. Собитовалар соҳани ривожланишига етук илмий ходимлар тайёрлашга ўз хиссаларини қўшишган

Илмий фаолиятда аёлларнинг иштироки жамиятда илм-фанга бўлган қизиқишни кучайтиришга ҳам хизмат қилади. Сўнги йилларда институт фаолиятида олима аёллар иштироки сезиларли даражада ошди. Бу ҳолат мамлакатда амалга оширилаётган гендер тенглиги сиёсати билан бевосита боғлиқдир. Бу ерда фан докторлари, профессорлар ва ёш тадқиқотчилар шаклланди. Шу жумладан, аёл олималар илмий мактаб ривожига ҳам фаол иштирок этиб келмоқдалар.

Фаол ва ташаббускор олима аёлларни рағбатлантириш, уларнинг ютуқларини кенг жамоатчиликка етказиш, муносиб муқофот ва эътирофлар билан тақдирлаш эса илмий фаолликни янада оширишга хизмат қилмоқда. Тупроқшунослик ва агрохимёвий тадқиқотлар институтида аёллар фаолияти йилдан-йилга кенгайиб, илмий ва амалий соҳаларда тобора мустақам ўрин эгаллаб бормоқдалар.

Институт таркибида фаолият юритаётган аёл олималар тупроқ таркибини таҳлил қилиш, унумдорликни ошириш, агрохимёвий кўрсаткичларни яхшилаш ва экологик барқарорликни таъминлаш борасида изланишлар олиб бориб, лаборатория шароитида замонавий ускуналар ёрдамида тадқиқотлар ўтказиб, натижаларни амалиётга жорий этиш орқали қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишга ҳисса қўшмоқдалар.

Олима аёллар халқаро илмий ҳамкорлик дастурларида иштирок этиб, замонавий лаборатория технологиялари ва инновацион агрохимёвий усулларни ўзлаштирмоқдалар. Халқаро тажриба алмашинуви гендер тенглиги бўйича илғор ёндашувларни жорий этишга ҳам хиз-

мат қилмоқда. Гендер тенглиги — бу аёл ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар яратиш демакдир. Жумладан, ишга қабул қилиш ва лавозимга тайинлашда тенг имконият таъминлиги амал қилинади. Илмий лойиҳалар ва грантларда аёлларнинг иштирок этиши қўллаб-қувватланади. Ёш олима қизлар учун “устоз-шогирд” тизими йўлга қўйилган бўлиб, бу уларнинг илмий тажриба орттиришига ёрдам беради.

Республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фермер хўжаликлари ва кластер тизимида иш юритувчи субъектларга янги илғор агротехнологияларни жорий этиш ишларида ҳам фаол хизмат қилиб келмоқдалар. Тупроқнинг унумдорлиги ва хоссаларини “Тупроқ мобил лаборатория”си орқали жойни (далада) тезкор текширув усулида маълумотларни фермер хўжаликлари етказиб беришда ҳам сидқидилдан қилаётган хизматлари катта аҳамият касб этади.

Илмий лойиҳалар ва грант танловларида иштирок этиш, республика ва халқаро миқёсдаги анжуманларда қатнашиш орқали уларнинг илмий салоҳиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Олима аёллар институти илмий фаолиятининг турли босқичларида, жумладан, лаборатория тадқиқотлари, дала экспериментлари, рақамли GIS хариталаш, илмий мақолалар чоп этиш ва халқаро анжуманларда фаол иштирок этадилар. Шу билан бирга, уларнинг илмий салоҳияти тупроқшунослик ва агрохимё соҳасидаги илмий натижаларнинг сифатини оширишда ҳам муҳим роль ўйнайди.

Олима аёлларга эътибор ва қулай шарт-шароит яратиш – бу нафақат гендер тенглик таъминлигининг амалий ифодаси, балки илм-фан ва қишлоқ хўжалиги соҳасининг барқарор ривожланишини таъминловчи муҳим омилдир. Институти-мизда бу борада олиб борилаётган изчил ишлар келгусида янада юксак илмий натижаларга замин яратиши, шубҳасиз.

Ўқтамхон МАМАЖАНОВА,
Биология фанлари
фалсафа доктори (PhD),
катта илмий ходим



ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ, ИЛМ-ФАН ВА ТАРҒИБОТ ЖАДАЛЛАШТИРИЛАДИ

Бугунги глобаллашув даврида экологик муаммолар инсоният олдидаги энг долзарб масалалардан бирига айланди. Иқлим ўзгариши, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, сув ресурсларининг камайиши ва биохилма-хилликнинг йўқолиб бориши нафақат табиатга, балки инсон ҳаёти ва иқтисодий ривожланишга ҳам жиддий хавф туғдирмоқда. Шу сабабли, экологик муаммоларни ҳал этишда энг самарали йўллардан бири сифатида экологик таълим ва маданиятни ривожлантириш учун бир қатор лойиҳалар, қонун ва қарорлар қабул қилинмоқда. Хусусан, “Эко-маданият” умумхалқ лойиҳаси алоҳида аҳамиятлидир.

Мазкур ташаббуси бир қанча лойиҳаларни ўз ичига олади. Жумладан, 2026–2027-йиллар давомида республиканинг барча ҳудудларида 14 та “яшил” техникумлар фаолиятини йўлга қўйиш режалаштирилган. Бу техникумлар экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, чиқиндиларни қайта ишлаш, қайта тикланувчи энергия манбалари каби йўналишларда ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашга ихтисослашади. Натижада, иқтисодиётнинг турли тармоқларида “яшил” технологияларни жорий эта оладиган, замонавий билим ва кўникмаларга эга кадрлар шаклланади. Шунингдек, 2030-йилгача “яшил” техникумлар орқали 10 минг нафардан ортиқ мутахассис тайёрлаш мақсад қилинган. Бу эса мамлакатда экологик соҳада кадрлар салоҳиятини

сезиларли даражада оширишга хизмат қилади. Айниқса, ҳудудларнинг ўзига хос экологик муаммоларини инobatга олган ҳолда мутахассислар тайёрланиши амалий натижадорликни таъминлайди. 2026–2028-йиллар давомида экология ва иқлим ўзгариши йўналишида илмий даражага эга мутахассислар сонини 150 нафарга етказиш режалаштирилган. Бу эса илмий тадқиқотлар ҳажмини кенгайтириш, янги инновацион ечимлар ишлаб чиқиш ва халқаро илмий ҳамкорликни ривожлантиришга замин яратади. Шу билан бирга “яшил” техникумларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, замонавий лабораториялар билан жиҳозлаш ва илғор ўқув дастурларини жорий этиш ҳам кўзда тутилган. Уларнинг Марказий Осиё атроф-муҳит ва иқлим ўзгаришини ўрганиш университетига бириктирилиши эса таълим ва илм-фан интеграциясини таъминлайди. Бу орқали талабалар нафақат назарий билим, балки амалий кўникмаларни ҳам чуқур эгаллаш имконига эга бўлади.

“Яшил” техникумларда Экостипендия таъсис этилади

Қарорга кўра, Университет ҳамда “яшил” техникумлар таълим тизимининг узвийлигини таъминлаш мақсадида 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб бир қанча асосий тартиблар жорий этилади. “Яшил” техникумларда таълим жараёни Университет томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда Касбий таълим агентлиги томонидан тасдиқланган таълим дастурлари асосида ташкил этилади. Шу билан бирга, ушбу техникумларда ўқитиладиган мажбурий ва танлов фанлари ҳам бевосита

Университет томонидан белгиланади. Бундан ташқари, Университетнинг 1-босқичида ўқитиладиган мутахассислик фанлари “яшил” техникумларнинг 2-босқич ўқув дастурларига махсус курс сифатида киритилади. Бу эса таълим босқичлари ўртасида узлуксизликни таъминлашга хизмат қилади.

Шунингдек, “яшил” техникумларни муваффақиятли тамомлаган ҳамда инглиз тилидан камида Б2 даражага эга бўлган битирувчиларга Университет томонидан белгиланган ўртача балл натижаларига кўра, бакалавриатнинг 2-босқичидан бошлаб ўқишни давом эттириш имконияти яратилади. Мазкур қарорнинг яна бир муҳим жиҳати — “яшил” техникумларда Экостипендиянинг жорий этилишидир.

Аҳоли орасида экологик маданиятни шакллантириш, табиатга нисбатан онгли муносабатни ривожлантириш, чиқиндиларни тўғри бошқариш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш кўникмаларини кенг тарғиб қилиш орқали умумий экологик муҳитни яхшилаш мумкин. Айниқса, ёшлар орасида экологик билим ва қадриятларни шакллантириш келажак учун муҳим инвестиция ҳисобланади.

Севдо ҲАКИМХЎЖАЕВА,
Тошкент давлат юридик университети талабаси

МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

Тахрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Ақтам ҲАЙИТОВ
Камолиддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Максуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-410
Адади: 2505
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нарҳда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

«НЕГА БОЛАМНИ СОТМОҚЧИ БЎЛДИМ?..»

Жамиятда баъзан оғир муҳокамаларга сабаб бўладиган қарорлар ортида инсонлар тақдири, танловлар ва кечиккан пушаймонлар ётади. 2026 йил 17 март куни қабул қилинган Амнистия ҳақидаги Президент фармони ҳам шундай юзлаб тақдирлар учун янги саҳифа очди. Навоий вилоятдан 400 нафардан зиёд маҳкумлар мазкур Авф туфайли жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилиб, уларга яна бир имконият берилди. Улар орасида икки нафари эса хотин - қизлардир.

Улар ўз ҳаётини яна тўғри йўлга қўя оладими?

Ушбу мақолада айнан шу саволларга жавоб излаб кўрамиз.

“ - Исмин Наргиза, 24 ёшдаман. Навоийнинг Навбахориданман. Бугун уйимга келганимга бир ҳафта бўлди... ўз уйим, онажоним, укам ва бошқа яқинларим ёнидаман. Кўзларимга ишоналмаяпман. Наҳотки, ўз уйимдаман. Менга ишонишди, мени кечиришди...”

Аёллар қамоқхонасида бир ярим йиллик умрим ўтди. Бутунлай бошқача дунёда, бошқача муҳитда, бегоналар орасида. Лекин у ерларда ҳам яхши инсонлар бор эди. Насихат қиладиган, тўғри йўл кўрсатадиган. Мен катта хато қилганман, аниқроғи гуноҳ иш қилиб қўйдим. Буни ўша пайтда англамаган эдим.

Ёшлигим, ғўрлигим, тажрибасизлигим панд берди. 21 ёшимда яқинларимнинг юзини ерга қаратадиган, келажагимни қоронғу қилган, умидларимни чиппақка чиқар-

ган ёмон ишга қўл уриб қўйдим... Севдим, севилдим, деб ўйлагандим. Қош-кўзлари попукек, тили ширин бухоролик йигит кўнглимни олди, совға-саломлар, ҳушомадлар билан йўлларимни интизор кутарди. Ўзимни еттинчи осмонда ҳис қилдим, севги-муҳаббат ҳақида китобларда ўқигандим, у чинданам ўзгача самовий, илоҳий туйғу экан. Ёки мен уни шундай тасаввур қилганман, лекин кўнглимда ажойиб ҳис-туйғулар бош кўтаргани ҳам рост. Мен чиндан севиб қолгандим, унга ишонгандим, унга суянардим... Лекин ҳаммаси сароб бўлиб чиқди. Пинҳона учрашувларимиз «аччик мева»сини берди. Буни билганимда ҳомилам 3 ойлик бўлишга улгурган экан. Нима қилишни билмасдим ва унга бу ҳақда айтдим. Аммо у йўқолиб қолди. Ишонасизми, хабарни эшитгач, у уйига кетиб қолибди. Кейин суриштирсам, уйда ҳам қолмай, дарҳол четга, ҳорижга чиқиб кетган экан...

Турмушга чиқмаган қиз, маҳаллада бу аҳволда юролмасдим. Ота-онам, яқинларим, танишларим маломат қилишларидан кўрқдим. Отам Россияда эди, онам ўзим ўқиган мактабда фаррош бўлиб ишлайди. Укам Самарқанддаги олийгоҳда контракт асосида ўқийди. Оиламиз унча катта бўлмаса ҳам доим етишмовчиликда яшардик. Ўзим Навоий Давлат Университетидаги ўқисшим (контракт асосида ўқирдим)ни «музлатишга» мажбур бўлдим, контракт тўлолмадик. Ушанда қариндошлар бу ишни бекор қилганимни кўп марта айтишганди. Балки, ростдан ҳам ўқишни ташлаб бекор қилгандирман, қийналиб бўлсада, уни давом эттиришим керакмиди! Бошимга бу кўргуликлар тушмасмиди? Ким билади, балки бу ТАҚДИР ишидир ёки пешонамми?

Хуллас, бўйимда бўлиб қолгач, қариндошларимни қора қилиб,

Туркияга йўл олдим. Бу ердагиларни даволаниш учун боряпман, деб алдадим. Сабаби, менда умуртқа қийшайиши бор. Шу касаллик билан 2017 йилдан бери рўйхатда турарман. Туркияга келиб суриштирсам, бу операция жуда қиммат экан, тушимга ҳам кирмаган суммани айтишди. Кун кўриш учун уй хизматчиси бўлиб ишлаб юравердим. Туғадиган пайтим келгач, Ўзбекистонга қайтишга мажбур бўлдим, Туркиядаги қариндошлар ёрдам беришни исташмади.

Юртга қайтгач, муаммони ўзимча ечдим - перенатал марказда ишлайдиган бир аёлни суриштириб топдим. Боламни васийликка бермоқчи эдим - ўша аёлнинг айтишича, улар боламни бир неча йил боқиб беришаркан.

Биласиз, туғруқхонада пулсиз қийин бўлади, ўзимга ҳам боламга ҳам қиммат укол - дорилар бую-

ришди. Пулим эса мутлақо йўқ эди. Қиз бола бошим билан никоҳсиз туғяпман, ўзим шокдаман, тўғри фикрлаёлмайман, нима бўлаётганига ақлим етмайди. Қаттиқ тушқунликка тушиб қолдим - бир томондан қилмишимдан уялсам, яна бир томондан муҳтожлик қийнайди. У кунларни эслагим ҳам келмаяпти, ростки. Боладан қутилишим керакдай туюлди - уни сўраганларга бериб юбормоқчи бўлдим.

«Қоровултепа»даги балиқхонада болани қармоғига олмоқчи бўлганлар билан учрашдим. Қўлимга пул тутқаздишди - мен эса нималар қилаётганимни англолмайдиган даражада қарахт эдим. Ҳам боладан қутиламан, ҳам пуллик бўламан, деб ўйламагандим-да. Ўз жигарбандимни сотаётган эдим - мени бироздан кейин ушлашди. У ердан дарҳол Навбахор туман ички ишлар бўлимига олиб кетишди. Буёғи эса тезлашиб кетди - мен гуноҳ қилдим, мен жиноят қилдим, жавоб беришим керак эди. Жиноят кодексининг 135 - моддаси 3 - қисми дейишди, 3 йилу 6 ойга қамашганди. Мен қилган иш «одам савдоси» дейиларкан.

Менга имкон беришди, хатойимни тўғрилаш, тўғри йўлга қайтиш учун. Энди ҳаётимни йўлга қўйишим керак. Балки ишларим юришиб кетса, ўқишимни ҳам тикларман ёки қайтадан олийгоҳга хужжат топширсам ҳам бўлаверади. Ҳозирча эса, маҳалладагилар мен учун мебел цехидан иш топишди. Маоши яхши иш енгил, ишчиларнинг ҳаммаси хотин - қизлардан иборат экан.

Ҳали жуда ёшман, лекин ҳаётда кўп нарсаларни кўриб қўйгандек ҳис қиляпман, ўзимни. Ҳато қилганимни тан оламан, уни бадалини тўлаш учун ҳам тайёрман. Мен туфайли яқинларимнинг боши эгилди. Ҳамма кўчада қўлини “бигиз” қилиб кўрсагадиган бўлишди. Ҳали “ёмон кўз” билан қарайдиганлар ҳам топилиб қолса керак, буни менга айтиб огоҳлантиришган. Лекин энди ёлғиз қолиб кетмайман, атрофимда дардлашадиган, мени эшитадиганлар энди бор...

Гулчеҳра БЕРДИЁРОВА
ёзиб олди.

